

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим
сифатини назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи



У.Н. Ташкенбаев

« 17 » 01 2018 й

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон давлат университети
ректори



С.Юлдашев

2018 й

Андижон давлат университети таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлими тўғрисидаги намунавий НИЗОМ

Андижон давлат университети таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 515-сон қарорининг 14-бандига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, бевосита олий таълим муассасалари таркибига киради.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Республика олий таълим муассасалари таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлими мақоми, асосий мақсади, вазибалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Андижон давлат университети таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлими (кейинги ўринларда матнда – Бўлим деб юритилади) университет (кейинги ўринларда матнда – университет деб юритилади) тузилмасига киради.

3. Бўлимнинг асосий мақсади университет талабалари билимларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш, кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш, университетни ички аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва унинг натижалари бўйича таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ва олдини олиш чораларини кўришдан иборат.

4. Бўлим бошлиғи ва унинг ходимлари Давлат инспекцияси бошлиғи тавсиясига кўра университет ректори буйруғи билан лавозимга тайинланади ва овоз этилади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Давлат инспекцияси ҳамда университет ректорининг буйруқлари ва қонуний кўрсатмаларига, шунингдек Бўлим тўғрисидаги Низомга мувофиқ олиб боради.

Бўлим амалга оширилган ишлар, муаммолар ва камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда университет ректорига ҳамда Давлат инспекциясига тақдим этади.

II. БЎЛИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

6. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг давлат таълим стандартлари (ДТС), малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари билан таъминланганлигини таҳлил этиш ва уларни экспертиза қилиш;

Университетда таълим жараёни сифатини, унинг ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланганлик даражасини ўрганиш;

Университет талабалари билимларининг ДТСга мувофиқлигини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш;

таълим сифатини оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш;

кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш;

Университетни ички аттестациядан ўтказишни ташкил этиш, натижалари бўйича таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, маълумотларни университет ректорига ҳамда Давлат инспекциясига тақдим этиш;

аттестация, таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда университетда аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилиши устидан назорат ўрнатиш;

таълим сифатини белгиловчи кўрсаткичларнинг ҳолатини мониторинг қилиш ва аниқланган муаммолар ва камчиликлар юзасидан тегишли таркибий тузилмаларга таклифлар бериш;

таълим сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида замонавий усуллар ва услублардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

Университетнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ, академик лицей) педагог ходимларнинг касбий малакаси ҳолатини, шунингдек олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларидаги сифат даражасини аниқлаш мақсадида ички мониторингни ўтказиш, таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, аниқланаган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича университет раҳбариятига таклифлар киритиш;

Университет профессор-ўқитувчилари таянч маълумотларининг тегишли дарс берадиган фан(лар)ига мослигини таҳлил қилиш ёки уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлигини ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга эканлигини ўрганиш ва хулосаларни университет ректорига маълум қилиш;

Университетнинг ўқув жараёни, илмий-тадқиқот ва илмий-услубий ишлар режаларининг бажарилишини мониторинг қилиш;

таълим жараёни моддий-техник базаси ҳолатини таҳлил қилиш, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

Университетда талабалар амалиётининг таълим йўналишлари ва мутахассисликларни инобатга олинган ҳолда ташкил этилганлигини ва унинг самарасини назорат қилиш;

Давлат инспекциясининг топшириғига биноан университет рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;

талабалар билимини баҳолаш жараёнини таҳлил қилиш асосида рейтинг баёлларининг ҳолислигини, шаффофлигини ва сифат даражасини баҳолаш;

Университетдаги ижтимоий муҳит, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини ўрганиш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш;

бўлим ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси ёки халқаро лойиҳалар ва университет ҳисобидан ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли ўқув ва илмий марказлари тажрибасини ўрганиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш;

Университет рейтингини халқаро даражага кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни олий таълим муассасаси раҳбарияти билан биргаликда ишлаб чиқиш ва уни ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;

Университет тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув семинарлари ва тренингларни ўтказиш;

Университетда жамоатчи экспертлар базасини шакллантириш ва улар билан қўйилган вазифалар доирасида семинар машғулотларини мунтазам равишда ўтказиб бориш;

ўқув жараёни билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион ҳамкорлик, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларнинг амалий татбиғи масалалари мониторингини юритиш;

Университет Илмий кенгашида, давра суҳбатлари ва анжуманларда бўлим томонидан таълим сифатини оширишга оид амалга оширилган ўрганиш ва мониторинг натижалари тўғрисида маълумотлар бериб бориш;

таълим сифати ҳолатини ўрганиш натижаларига асосланиб тегишли таклифларни университет раҳбариятига тақдим этиш.

7. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Университетда таълим сифатини ДТС ва малака талабларига мувофиқлигини таъминлаш, ўқув жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли назоратни ташкил этиш бўйича фаолиятни ва чоратадбирларни амалга оширади;

асосий фаолиятини белгиланган мезонлар асосида таълим сифатини аниқлаш, уни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш йўналишларини белгилаб беришга ва бу жараёни мувофиқлаштиришга қаратади;

таълим йўналиши ва мутахассисликларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлигини ўрганади;

талабаларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари (шу жумладан, электрон дарслик ва қўлланмалар) билан таъминланганлик даражасини ва замонавий талабларга мослигини таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ҳамда тиллар кесимида таҳлил қилади;

Университет профессор-ўқитувчилари таянч маълумотларининг тегишли дарс берадиган фан(лар)ига мослигини таҳлил қилади ёки уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлигини ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга эканлигини ўрганади ва хулосаларни университет ректорига маълум қилади;

ўқув жараёнида илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганади ва уларни такомиллаштириш бўйича тегишли таклифларни беради;

илмий-тадқиқот ишларининг истеъмолчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилаётганлигини, университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг илмий-тадқиқот ишларидаги (фундаментал, амалий, инновацион ва х.к. тадқиқотлар кесимида) иштирокини, илмий ишларнинг

ишлаб чиқаришга татбиғини молиялаштириш манбалари ҳолатлари бўйича ўрганади;

Университет таркибий тузилмаларининг замонавий моддий-техник таъминоти, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютерлар билан таъминланганиги ва улардан самарали фойдаланилиш даражасини таҳлил қилади;

таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграциясини, университетнинг кадрлар тайёрлаш ва ҳамкорликда илмий технологик ечимлар яратишда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини (самарали ёки самарасизлигини) ўрганади;

ўз соҳаси бўйича илғор технологияларнинг ривожланишига қараб таълим жараёнларини амалга ошириш учун педагог кадрларнинг бевосита ишлаб чиқаришда малакаси оширилишини (мунтазам ёки мунтазам эмаслиги) ҳамда таълим йўналишлари бўйича истеъмолчилар бозорининг ўрганилганлигини (маркетинг хизмати асосида) таҳлил қилади;

таълим жараёнига илмий-тадқиқот университетлари, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари ҳамда хорижий давлатлар малакали мутахассисларининг жалб этилишини таҳлил қилади;

талабалар бажараётган битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияси мавзуларининг долзарблиги, сифати ва уларни ишлаб чиқаришга қай даражада жорий қилинганлигини ўрганади;

Университетнинг таянч докторантура, докторантура ва мустақил тадқиқотчи университети орқали олий малакали кадрлар тайёрлаш фаолиятини таҳлил қилади;

Университетнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари билан ҳамкорлик фаолиятини таҳлил қилади;

Университетда маънавий-маърифий ишлар режаси, мазмуни ва унинг бажарилишини (баённомалар асосида), профессор-ўқитувчиларнинг тарбиявий ишларга жалб этилганлигини, университетдаги маънавий-ижтимоий муҳитни, педагог ходимларнинг ахлоқий сифатларини (сўровнома асосида) ўрганади;

Университет ахборот-ресурс маркази фондининг зарур адабиётлар билан таъминланганлигини, улардан фойдаланаётган профессор-ўқитувчилар ва талабалар салмоғини аниқлайди;

битирувчиларнинг таълимни кейинги босқичига ўқишга кириши ёки ишга жойлашишларини таҳлил қилади;

ота-оналар ва иш берувчилар ҳамда бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳомийлик кенгаши фаолиятидаги ва таълим жараёнидаги иштирокини таҳлил этади;

профессор-ўқитувчилар рейтингини аниқлаш бўйича таклифлар киритади;

талабаларнинг мустақил таълим самарадорлигини даврий равишда мониторинг қилади;

Университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар томонидан хорижий тилларни ўрганишнинг самарадорлиги бўйича мониторинг юритади;

талабалар билимини баҳолаш бўйича назорат натижаларини танлама таҳлил қилиш асосида рейтинг балларининг ҳолислигини ва шаффофлигини ўрганади ва таклифлар тайёрлайди;

яқуний давлат аттестацияларини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилган ҳолда ўтказилганлигини ва унинг натижаларини таҳлил қилади;

Университетнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ, академик лицей) педагог ходимларнинг касбий малакаси ҳолатини, шунингдек олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларидаги сифат даражасини аниқлаш мақсадида ички мониторингни ўтказиши, таҳлилий маълумотларни тайёрлайди, уларни Давлат инспекцияси бошлиғи ҳамда университет ректорига ўрнатилган тартибда тақдим қилади;

Университетда кадрлар тайёрлаш сифати ва талабалар билим даражасини ошириш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиши;

Университет фаолиятини халқаро таълим сифатини аниқлаш индикаторлари билан таққослаш асосида унинг жаҳон рейтингда муносиб ўрин эгаллаши учун тегишли таркибий тузилмалар билан чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

Университетда халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлигини, хорижий мамлакатлар билан шартнома асосида талаба, таянч докторант, докторант, илмий ходимлар алмашинувини, фан соҳасида халқаро илмий тадбирларнинг ташкил этилишини (семинар, анжуман, симпозиум ва ҳ.к.), чет эл грантлари асосида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларини, хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таҳлил қилади ва бу соҳани ривожланишига таклифлар беради ва амалий ёрдам кўрсатади;

бўлим ходимларининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси ёки халқаро лойиҳалар ва университет ҳисобидан ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли ўқув ва илмий марказлари тажрибасини ўрганади ва уларни таълим жараёнига татбиқ этади;

Давлат инспекцияси томонидан амалга ошириладиган ОТМлар рейтингини аниқлаш ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда ҳамда бошқа толшириқ ва вазифаларни бажаришда иштирок этади;

Университет рейтингини халқаро даражага кўтариш учун тажрибали профессор-ўқитувчилар ва ёш мутахассисларни чет эл тажрибасини ўрганиш мақсадида хизмат сафарига юбориш ва уларнинг натижасини таълим жараёнига татбиқ этишда университет раҳбарияти билан ҳамкорликда ишларни ташкил этади;

республикада ва хорижий давлатлардаги таълим сифатини назорат қилишга оид янгиликларни доимий ўрганиб боради ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

Университетда таълим сифатини ошириш бўйича олиб борилган ўрганишлар натижалари асосидаги таклифларни олий таълим раҳбариятига тақдим этади.

III. БЎЛИМНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бўлим зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун университет таркибий тузилмаларидан зарур маълумотлар ва материалларни олиш;

Университет ва унинг таркибий тузилмаларида талабалар, тингловчилар ва ўқувчиларни ўқитиш сифатини, таълимнинг тегишли турлари бўйича ишчи ўқув режалари ва фанларнинг ишчи дастурларини ДТСларига, давлат талабларига, малака талабларига ва ўқув режа ҳамда фанларнинг намунавий дастурларига мувофиқлигини белгиланган тартибда ўрганиш;

Университетда аттестация жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва унинг ўз вақтида бажарилишини назоратга олиш;

Университетда таълим сифатига оид қабул қилинган буйруқлар, фармойишлар ва бошқа қарорларнинг етарли даражада ижроси таъминланмаганлиги аниқланганда, масъулларга нисбатан тегишли чоралар кўриш учун раҳбариятга таклифлар киритиш;

Университетда ижтимоий муҳитни, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини ўрганиш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилишини ташкил қилиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш сифати муаммолари бўйича халқаро конференциялар, анжуманлар, симпозиумлар, семинар ва ўқувларда иштирок этиш;

белгиланган тартибда ОТМ Кенгашига сайлаш ва сайланиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

9. Бўлим қуйидаги мажбуриятларга эга:

хизмат вазифаларини виждонан бажаради ва ўз шаънига доғ туширмайди;

Давлат инспекциясига тақдим қилинаётган маълумотларнинг ҳаққонийлигига ҳамда университетнинг ишчи ўқув режалари ва фанларнинг ишчи дастурларини тайёрлаш сифати, битирувчиларнинг якуний аттестация ва рейтинг баҳолари ҳолислигини белгиланган тартибда назоратини ташкил этишга жавоб беради.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб ҳамда Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этади.

IV. БЎЛИМ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

11. Бўлим Андижон давлат университети таркибида уларнинг белгиланган штатлари доирасида университет ректори буйруғига мувофиқ ташкил этилади.

Бўлим юридик шахс мақомига эга эмас.

12. Бўлим 3 нафар ходим: бўлим бошлиғи ва икки нафар бош мутахассисдан иборат.

13. Бўлим бошлиғи ва бош мутахассис лавозимларига номзодлар университет ректори буйруғи билан Давлат инспекцияси бошлиғи тавсиясига асосан тайинланади ва Давлат инспекцияси бошлиғи рухсати билан лавозимларидан озод этилади.

14. Бўлим ходимларининг ойлик иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига (*Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 40-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 33-сон, 852-модда*) мувофиқ белгиланади ва университет томонидан тўланади. Бўлим ходимларига университет ходимлари лавозимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади.

15. Бўлим фаолиятига раҳбарлик қилиш бўлим бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Бўлим бошлигининг лавозими, декан лавозимига тенглаштирилади.

Бўлим бошлиғи бўлмаган (таътил, бетоблик, хизмат сафари) даврда унинг вазифасини бажариш бош мутахассиснинг бирига юклатилади.

16. Бўлим ўз фаолиятини юритишда Давлат инспекциясига ва университет ректорига бўйсунди.

17. Бўлимга таълим сифатини назорат қилиш соҳасида амалий-методик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар, шунингдек, илмий-педагогик стажга эга бўлган шахслар таркибидан малакавий талабларга мувофиқ белгиланган тартибда ишга қабул қилинади.

V. БЎЛИМ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ВА ФУНКЦИОНАЛ ВАЗИФАЛАРИ

18. Бўлим бошлиғи лавозимида кўйидаги малака талаблари қўйилади: олий маълумотли, илмий даражага ёки таълим соҳасида муайян тажрибага (назарий, ташкилотчилик ва бошқарув қобилияти жиҳатидан) эга бўлиши;

таълим соҳасига оид қонун ва қонуности ҳужжатларини, асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва уларни амалда қўллаш олиши;

таълим муассасаларидаги педагогик ва таълим-тарбия жараёнини билиши, таълим сифатини баҳолаш компонентларидан хабардор бўлиши;

Университетнинг таркибий бўлинмалари фаолияти хусусиятларини билиши;

таълим жараёнида замонавий педагогик усулларни қўллаш ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга оид билимлардан хабардор бўлиши;

ўқув, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий йўналишдаги ишларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниши, янги авлод ўқув адабиётларини тайёрлаш ва уларга ОЎМТВнинг грифини олиш тартибини билиши;

Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини билиши;

ўзбек, рус тилларини ва хорижий тиллардан бирини мукамал билиши (штант бирлигини шакллантиришда ходимнинг хорижда малака оширганлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ);

иш фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни лозим даражада билиши.

19. Бўлим бошлигининг асосий функционал вазифаларига қўйидагилар қиради:

бўлим фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишлари ҳамда таълимга оид бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат инспекцияси бошлиғи ва университет ректори буйруқ ва кўрсатмалари асосида ташкил этиш;

бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларини ишлаб чиқиш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ДТС, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари билан таъминланганлигини таҳлил этиш ва уларни экспертиза қилиш;

Университетда таълим жараёни сифатини, унинг ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланганлик даражасини ўрганиш;

Университет талабалари билимларининг ДТСга мувофиқлигини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш;

таълим сифатини оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш;

кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш;

Университетни ички аттестациядан ўтказишни ташкил этиш, натижалари бўйича таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, маълумотларни университет ректорига ҳамда Давлат инспекциясига тақдим этиш;

таълим сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида замонавий усуллар ва услублардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

таълим сифатини белгиловчи кўрсаткичларнинг ҳолатини мониторинг қилиш ва аниқланган муаммолар ва камчиликлар юзасидан тегишли таркибий тузилмаларга таклифлар бериш;

Университетнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ, академик лицей) педагог ходимларнинг касбий малакаси ҳолатини, шунингдек олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларидаги сифат даражасини аниқлаш мақсадида ички мониторингни ўтказиш, таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича университет раҳбариятига таклифлар киритиш;

Университет профессор-ўқитувчилари таянч маълумотларининг тегишли дарс берадиган фан(лар)ига мослигини таҳлил қилиш ёки уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлигини ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга эканлигини ўрганиш ва хулосаларни университет ректорига маълум қилиш;

таълим жараёни моддий-техник базаси ҳолатини таҳлил қилиш, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

Университетда талабалар амалиётининг таълим йўналишлари ва мутахассисликларни инобатга олинган ҳолда ташкил этилганлигини ва унинг самарасини назорат қилиш;

Давлат инспекциясининг топшириғига биноан ОТМлар рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;

аттестация, таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда университетда аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилиши устидан назорат ўрнатиш;

бўлим ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси ёки халқаро лойиҳалар ва университет ҳисобидан ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли ўқув ва илмий марказлари тажрибасини ўрганиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш;

Университет рейтингини халқаро даражага кўтаришга қаратилган чоратadbирларни университет раҳбарияти билан биргаликда ишлаб чиқиш ва уни ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;

Университет тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув семинарлар ва тренинглар ўтказиш;

ўқув жараёни билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион ҳамкорлик, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларнинг амалий татбиғи масалалари мониторингини юритиш;

Университет Кенгашида, давра суҳбатлари ва анжуманларда бўлим томонидан таълим сифатини оширишга оид амалга оширилган ўрганиш ва мониторинг натижалари тўғрисида маълумотлар бериб бориш;

бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бўйича топшириқларни бажариш натижаларига кўра уларни рағбатлантириш ёки интизомий чора кўриш ҳақида Давлат инспекциясига ва университет раҳбариятга ўрнатилган тартибда таклиф ва тавсиялар киритиш;

таълим сифатини назорат қилиш соҳасида бўлимга юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

20. Бўлим мутахассиси лавозимида кўйидаги малака талаблари кўйилади:

олий маълумотли, таълим соҳасида муайян тажрибага (назарий, ташкилотчилик жиҳатидан) эга бўлиши;

таълим соҳасига оид қонун ва қонуности ҳужжатларини, асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва уларни амалда қўллаш олиши ;

педагогик ва таълим-тарбия жараёнини билиши, таълим сифатини баҳолаш компонентларидан хабардор бўлиши;

таълим жараёнида замонавий педагогик усулларни қўллаш ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга оид билимлардан хабардор бўлиши;

ўқув, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий йўналишдаги ишларнинг мазмун-моҳиятини тушуниши, янги авлод ўқув адабиётларини тайёрлашга қўйилган талабларни билиши;

ўзбек тилини мукаммал, рус ва хорижий тиллардан бирини етарли даражада билиши (штат бирлигини шакллантиришда ходимнинг хорижда малака оширганлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ);

иш жараёнида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни лозим даражада билиши.

21. Бўлим мутахассисининг асосий функционал вазифаларига қуйидагилар киради:

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишлари ҳамда таълимга оид бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат инспекцияси бошлиғи ва университет ректори буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда бўлим бошлиғининг топшириқлари асосида ташкил этиш;

бўлимда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан иш юритиш ва ижро назоратини таъминлаш;

Университетнинг ўқув, илмий-услугий ва илмий-тадқиқот ишлар режаларининг бажарилишини мониторинг қилиш;

Университетнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ, академик лицей) педагог ходимларнинг касбий малакасини, шунингдек олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларида сифат даражасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган ички аттестация жараёнида иштирок этиш ва ҳисобот тайёрлаш;

талабалар билимини баҳолаш жараёнини таҳлил қилиш асосида рейтинг балларининг ҳолислигини, шаффофлигини ва сифат даражасини баҳолаш;

Университетдаги ижтимоий муҳит, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини ўрганиш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказишни ташкил этиш ва уларнинг натижалари бўйича таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;

жамоатчи экспертлар базасини шакллантириш ва улар билан қўйилган вазифалар доирасида семинар машғулотларини мунтазам равишда ўтказиб бориш;

аттестация, таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда университетда аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаш чораларини кўриш;

бўлим фаолиятига оид меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

республикада ва хорижий давлатлардаги таълим сифатини назорат қилишга оид янгиликларни доимий ўрганиб бориш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

Давлат инспекциясининг топшириғига биноан бўлим бошлиғи рухсати билан ОТМлар рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

22. Бўлим ходимлари ўз зиммасига юклатилган ва функционал вазифалари доирасида Давлат инспекциясига тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавоб беради.

23. Бўлим фаолиятига оид низолар, ўзаро мунозаралар олиб бориш орқали ёки кўнунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

24. Бўлим низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2017 йил “30” декабрдаги 50 - сон буйруғига 1- иловаси билан тасдиқланган намунавий Низом асосида ишлаб чиқилди ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда матнда – Давлат инспекцияси деб юритилади) билан келишилган ҳолда университет ректорининг 2018 йил 16 январь 01-07-сон буйруғининг 1-иловаси билан тасдиқланди.

Белгиланган тартибда тасдиқланган университет бўлимининг Низоми бўлим ходимлари томонидан ўзига юклатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

25. Мазкур Низомни бекор қилиш ёки унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланган тартибда Давлат инспекцияси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.